



ХАЛҚ РИЗҚИГА КЎЗ ТИККАНЛАР

...масъулиятни унутган Искандар Юнусов ҳамто-воғи Бахтиёр Раҳматов билан умумий суммаси 515.007.110 сўмлик 3.987.915 кг буғдойни талон-торож қилиб, ўзлаштириб юборади.

3 БЕТ



UEFA
EURO 2008
Austria-Switzerland

Европанинг энг нуфузли мусоба-қасида иштирок этадиган 16 та терма жамоадан қайсилари финал-гача етиб боради ва қайсилари гуруҳ баҳсларининг ўзидаёқ курашни тўхтатади?

6 БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 5-iyun, № 23 (596)

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

МУҲОКАМАДА ҚАРОВ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Рашид-жон Қодиров раислигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, қарорнинг аҳамияти, мазмуни ва моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш мақсадида жойларда 2 мингга яқин маъруза, суҳбат ва учрашувлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида 468 марта чиқишлар қилинди.

Мазкур қарор 44 мингдан ортиқ шахсга нисбатан татбиқ этилди. Шу жумладан, содир қилган жиноий ҳаракати учун жазага тортилиши лозим бўлган 2440 нафар аёллар ва 700 нафар вояга етмаганлар жазодан озод қилинди.

Мажлисида қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мажлисида Андижон вилояти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокамада, мазкур прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиши билан бир қаторда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

Ўтказилган текширишда аниқланган нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг кеңириб бўлмайдиган чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Мажлис якунида Республика Бош прокурори вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва назоратни кучайтириш борасида қатъий талаблар қўйди.

Бош прокуратура ҳайъати томонидан прокуратура ходимларининг масъулиятини кучайтириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши, касбий тайёргарлиги ва билиминини мунтазам ошириб бориши лозимлиги алоҳида таъкидланиб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

К. ҚУРБОНОВ,


Бош прокуратура ташкилий-назорат ва таҳлилот
бошқармаси прокурори

ИФТИХОР

Бухоро вилояти мамлакатда ўз салоҳияти-га эга вилоятлардан бири саналади. 1938 йилда ташкил этилган вилоятнинг умумий майдони 39,4 минг км.кв., аҳолиси 1 млн. 443 минг кишидир.

Вилоят иқтисодийотида саноат салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳозирда 100 дан ортиқ саноат корхонаси мавжуд бўлган ҳудудда асосан газ ва нефтни қайта ишлаш, озик-овқат саноати жуда яхши ривожланган.

Биргина Газли газни қайта ишлаш заводи ва Коровулбозор нефтни қайта ишлаш корхона-лари етказиб бераётган маҳсулот республика-да ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсу-лотларнинг асосий қисmini ташкил этади.



БОШ МАҚСАД – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳам янги босқич-га кўтарилди. Хусусан, судларнинг иختисослашуви, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, Ўзбекистон-да ўлим жазосининг бекор қилини-ши, санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд-ҳуқуқ тизимида тамоман янги ҳуқуқий механизми яратди.

Кучли давлатдан кучли фуқаро-лик жамияти сари дади одимлаёт-ган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилишдек катта масъулият прокуратура орган-

лари зиммасига юклатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш бо-расида жами 227 та текширишлар ўтказилиб, натижаларига кўра 3900 дан ортиқ прокурор назорати ҳуж-жатлари қўлланилди. Шундан 281 та ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат-лар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. 713 нафар шахслар интизомий, 1890 нафари маъмурий ва 87 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши кўзга тилиди. Етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида судларга жами 1 млрд. 316 млн. 664 минг сўмлик даъво ариза-лари киритилди.

Прокуратура органлари томони-дан вилоятда тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳамда назорат-тектирив идоралари билан ҳамкорликни химоя қилиш бў-расида бекор қилинди. 713 нафар шахслар интизомий, 1890 нафари маъмурий ва 87 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши кўзга тилиди. Етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида судларга жами 1 млрд. 316 млн. 664 минг сўмлик даъво ариза-лари киритилди.

Прокуратура органлари томони-дан вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳамда назорат-тектирив идоралари билан ҳамкорликни химоя қилиш бў-расида бекор қилинди. 713 нафар шахслар интизомий, 1890 нафари маъмурий ва 87 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши кўзга тилиди. Етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида судларга жами 1 млрд. 316 млн. 664 минг сўмлик даъво ариза-лари киритилди.

Прокуратура органлари томони-дан вилоятда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳамда назорат-тектирив идоралари билан ҳамкорликни химоя қилиш бў-расида бекор қилинди. 713 нафар шахслар интизомий, 1890 нафари маъмурий ва 87 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши кўзга тилиди. Етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида судларга жами 1 млрд. 316 млн. 664 минг сўмлик даъво ариза-лари киритилди.

2008 йил – Ёшлар йили

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ДУНЁ

Халқимиз болажон. «Мен дерман боламни, болам дер боласини». Бундай нақл бошқа ҳеч бир тилда йўқ. Ота-она фарзандим униб-ўссин, яхши инсон бўлиб улғайсин, дея жонини жабборга беради. Ҳа, ўзи емай едиради, ўзи киймай кийдиради. Углини уйлаб, қизини турмушга бериб, уйли-жойли қилиб бурчини адо этганидан кейин ҳам тиниб-тинчимайди. Неवारаларининг икболини кўрмоқдай улғуният белгига куч-қувват беради.

Халқимиз топиб айтган яна бир лўнда ҳикмат бор: «Болали уй бозор, боласиз уй мазор». Бефарзандлик кулфат, ичкилик-бозлик, гиёҳвандликка берилиб, болаларнинг тарбияси билан шуғулланмагани туфайли оталик, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш ундан-да баттарроқ фожиа.

Халқимизнинг болажон фа-

зилати, ўзига хос дунёқароши қонунларимизда мустаҳкамланган. Улар ҳар бир бола мактаб ва лицейларда, коллежлар, институт ва университетларда таълим олиб, ўзи ҳавас қилган касб-кор асосларини эгаллаши, танлаган соҳасида қобилиятларини тўқис намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар ва имкониятларни ҳавола этмоқда.

Оиладаги носоглом муҳит ёки аксинча ота-онанинг ҳаддан зиёд эркалатиб, талтайтириш-лари туфайли теварак-атроф-дагиларни, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимай ҳуқуқбузар-лик кўчасига кириб қолган ўсимлар давлат ва жамиятнинг алоҳида диққат-эътибори-да. Вилоятлар, шаҳар ва туман-лар ҳокимликлари қошидаги вояга етмаганлар билан иш-лаш комиссиялари, ИИБлар-нинг вояга етмаганлар ўртаси-

да ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олиш гуруҳлари нодавлат ташкилотлар, жамоатчиликка таяниб, таълим-тарбияси из-дан чиққан ўспиринлар билан алоҳида шуғулланиш япти. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларнинг олдини олиш, қонунларга ҳурмат руҳини синг-дириш борасида фаол иш юри-тиш япти.

«Ёшлар йили» дастурига асо-сан Фарғона шаҳар прокурату-раси ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлими, шаҳар ИИБ ва бошқа муассасида таш-килотлар ҳамкорлигида таълим-тарбияни такомиллаштириш, болалар ва ўсимларнинг турли соҳалардаги қобилиятини нарх-лаш бориши ва юзага чиқиши учун ибратли тадбирлар ўтказилмоқда.

(Давоми 12-бетда).

СЕМИНАР

2008 йилнинг 4 июнь куни Тошкент Давлат юридик институтини «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва уларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситалари роли ва ҳуқуқий масалаларни сифатли ёритишни кучайтиришга қаратилди.

Кун тартибида ҳуқуқий маданият

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Олий Суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда экспертлар иштирок этишди.

Мазкур тадбир бугунги кунда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситала-рида ёритилаётган ҳуқуқий материаллар-нинг сифатини яхшилаш ҳамда республика ОАВ ходимлари билан юридик таълим му-ассасалари ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида хизмат қилади.

Илмий-амалий семинарда ҳуқуқшу-нос олимлар маъруза қилиши ҳамда ҳар бир мавзу бўйича интерфаол муло-қот ташкил этилди.

Семинарда эришилган ижобий нати-жалар билан бир қаторда ҳал этилиши

лозим бўлган камчиликларга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилди. Жумладан, тайёр-ланаётган материалларнинг савияси етарли даражада эмаслиги, кўпинча чу-қур таҳлилнинг етишмаслиги таъкидлан-ди. Қонун ҳужжатларини тарғиб этишда ОАВ ва ҳуқуқий муассасалар ўртасида узоқ мuddатли режалар фаолиятининг йўлга қўйилмаганлиги ва имкониятлардан фой-даланиш етарли ташкил этилмаганлиги ҳам эътироф этилди.

Тадбир давомидаги баҳс-мунозаралар-да тренингларни ташкил этиш орқали хо-димларнинг малкаларини ошириш лозим-лиги юзасидан таклифлар билдирилди.

Анжуман сўнггида мазкур йўналиши-да ҳамкорликни янада кучайтириш ва ҳуқуқий мавзудаги чиқишлар сифатини янада оширишга келишим олинди.

Бошқарманиз томонидан 2008 йилнинг ўтган даврида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилади. Иқтисодийга оид қонунчилик ҳоҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, ҳисобларнинг ўз вақтида тўлиниши мамлакат салоҳияти ва аҳоли турмуш даражасини юксалтирувчи асослардан бири эканлиги, солиқ ва валюта соҳасида содир этилган жинойятлар учун жазо муқаррарлигини фуқароларга тушунириш масалаларига доимий эътибор қаратилади.

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

Ўтказилган текширувлар натижасида давлат бюджетига 7 млрд. 153,8 млн. сўм миқдорда қўшимча маблағ ҳисобланиб, жами 1 млрд. 520,8 млн. сўм ундирилди.

Вилоят ҳудудида валюта қимматликларининг қонунга хилоф равишда муомаласи қиритилишини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан 10 та жинойят ва 7 та маъмурий иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан жами 8415 АҚШ доллари, 22 миң 500 россия рубли, 4000 қирғиз соми ва 54 млн. 51 миң сўм далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Яқинда ўтказилган ана шундай тадбирлардан бирида фуқаролар И.Тешабоев ва Х.Собировлар Фарғона шаҳар ҳудудида қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва сотиш билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди. Улар «харидорга» 350 АҚШ доллари 490 миң сўмга сотаётган вақтда ушланди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан қонунга хилоф равишда спиртли ичимликлар, пахта ёғи ва турли бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 15 та яши-

рин цех фаолияти ҳам фош этилди. Жумладан, тезкор тадбир давомида Кува туманининг Қўрғона қишлоғида яшовчи фуқаро О.Ҳақимов ўз уйида ноқонуний равишда чигитдан ёғ ишлаб чиқараётганлиги ҳамда сотаётганлиги аниқланди. О.Ҳақимовдан далилий ашё сифатида олинган уруғлик чигит «Кува пахта» қайта ишлаш» АЖга тегишли бўлиб қиди. Мазкур ҳолат юзасидан О.Ҳақимовга нисбатан

стабиллик кўчасида яшовчи Тоҳир Мадраҳимовнинг номига ташкил этиб, тўлов топшириқларига унинг номидан имзо қўйиб, жами 428 млн. 42,3 миң сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Бундан ташқари бюджетга тўланиши лозим бўлган 21 млн. 42,1 миң сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товланганлиги, пул ўтказиш йўли билан олинган 251 млн. 422,7 миң сўмлик маҳсулотни сотишдан тушган нақд пулини банкка

ижро қилиб, корхонанинг норасмий раҳбари Қ.Умаров томонидан 251 млн. 422,7 миң сўм нақдлаштирилишига ҳамда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 21 млн. 42,1 миң сўм ягона солиқлар тўланмай қолишига сабабчи бўлишган.

Бундан ташқари суриштирув олдидан ҳаракатлари жараёнида «Шамс Нур Зиё» хусусий корхонасининг юмалок муҳри ТИФ «Миллий банки»нинг Фарғона вилоят бўлими етакчи му-

тажисси Хурсанджон Олимовдан ашёвий далил сифатида олинган.

Хозирда хусусий корхона раҳбари Тоҳир Мадраҳимов, норасмий раҳбар Қ.Умаров ҳамда ТИФ «Миллий банк»нинг Марғилон филиали ва АТБ «Микрокредитбанк»нинг Фарғона вилоят филиали мансабдор шахслари ҳам ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилишган. Уларнинг фуқаро Т.Мадраҳимов номига ташкил этилган «Шамс Нур Зиё» хусусий корхонаси ноқонуний равишда Қ.Умаров томонидан юриктилишига шартли яратиб берганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу шахслар сохта имзолар қўйилган тўлов топшириқларини

топширмаганлиги аниқланди.

Шуниси ачинарлики, ТИФ «Миллий банк»нинг Марғилон филиали ва АТБ «Микрокредитбанк»нинг Фарғона вилоят филиали мансабдор шахслари ҳам ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилишган. Уларнинг фуқаро Т.Мадраҳимов номига ташкил этилган «Шамс Нур Зиё» хусусий корхонаси ноқонуний равишда Қ.Умаров томонидан юриктилишига шартли яратиб берганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу шахслар сохта имзолар қўйилган тўлов топшириқларини

тахассиси Хурсанджон Олимовдан ашёвий далил сифатида олинган. Хозирда хусусий корхона раҳбари Тоҳир Мадраҳимов, норасмий раҳбар Қ.Умаров ҳамда ТИФ «Миллий банк»нинг Марғилон филиали ва АТБ «Микрокредитбанк»нинг Фарғона вилоят филиали мансабдор шахслари нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жинойят иши қўзғатилди.

Ахрор ЖҲАХОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖҚДЛҚК департаментининг
Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ БУРЧ

Богот туманида мамлакатимиз эртаси бўлган ёшларни ҳар томонлама қонун ҳурматида тарбиялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб номлангани нафақат ёшларни балки, мутасаддилар, ота-оналарни ҳам ҳушнуд қилиб, ёшлар тақдири ва келажаги учун масъулиятни оширди.

Албатта, ёшлар ҳақида сўз кетганда, улар тақдирига бевосита масъул бўлган таълим-тарбия масканлари хусусида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Туманда 6 та коллеж, 49 та умумтаълим мактаблари, 3 та ихтисослашган мактаб-интернат, 26 та мактабгача таълим муассасаси ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиб келмоқда.

Коллежларда мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили тумандаги касб-ҳунар ўқув мактабларини 1200 га яқин ёшлар тамомлади. Уларнинг 50 дан зиёди олий ўқув юртлири талабалари бўлишган бўлса, 20 га яқини ҳарбий хизматда. 900 нафарга яқини эса тумандаги турли корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил тумандаги 5 та касб-ҳунар коллежини 1372 талаба тамомлади. Ўтказилган сўрономаларда уларнинг мингга яқини муҳим иш жойларига жойлаштириш учун шарҳномалар қилишгани аниқланди. 50 дан зиёди эса ўқини олий ўқув юртлирида давом эттириш истagini билдирди. 30 га яқин битирувчи талабаларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш режалаштирилган. Демак, энди олдимизда 300 дан зиёд талабани муҳим иш билан таъминлаш муаммоси турибди. Бу муаммо узил-кесил ҳал қилиниши аниқ. Чунки 2008 йили туманимиз бўйича уч миңдан зиёд янги иш ўринлари яратиш бўйича иш олиб борилмоқда. Шу иш ўринларининг миңдан зиёди айнан ёшлар учундир.

Яқинда туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бандликка қўмақлашувчи марказ билан ҳамкорликда ўтказилган «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси тумандаги иш изловчилар қатори касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам иштирок этди. Уларга тумандаги 41 корхона ва ташкилот 300 га яқин иш ўринларини таклиф қилди.

Айни пайтда эгалланган касби бўйича ишлаш истagini билдирган битирувчиларнинг 70 фоиздан ортиги иш билан таъминланган бўлса, 2010 йилга бориб бу муаммо буткул ҳал қилинади. Янги иш ўринлари яратиш борасидаги изланишлар шундай дейишимизга асос бўла олади.

Туман прокуратураси томонидан соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузарликлар ҳам аниқланди. Халқ таълими бўлимининг ИИБ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан етарли ҳамкорликни йўлга қўймаганлиги оқибатида мактаб ўқувчиларининг етти нафари ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун профилактика ҳисобига олинган. Мактабларда бу ўқувчилар тақдирига кейин ҳам бепарқили қилинган. Уларга ўз вақтида мураббий тайинланмаган, тайинланган мураббийларнинг фаолияти эса назорат қилинмаган.

Биз ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини истар эканмиз, улар тақдирига ҳар доим масъулият билан ёндошимиз керак бўлади. Ёшларга ғамҳур ва эътиборли бўлиш бизнинг келажақ олдидаги бурчимиздир.

Ойбек МАТЧОНОВ,
Богот туман прокурори

Эртанги кунини ўйлаган ҳар қандай жамият келажақ авлодни зарарли иллатлардан муҳофаза қилиш чораларини қўриб келади.

Шу маънода, юртимизда ҳам ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш вазифасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Аҳолисининг 37,5 фоизини вояга

оқибатлари ҳақида оғохлантириш лойиҳаси доирасида профилактик тадбирларни ўтказишга доир буйруқдан келиб чиқиб, вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан таълим муассасаларида саломатликка салбий таъсир кўрсатувчи иллатларга қарши кураш, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилиш борасида

видаги иштироки эътирофга лойиқ.

Мазкур кўрик-танловнинг вилоят ҳудуди шаралаш босқичида ғолиб деб топилган Тошкент туманидаги 25-умумтаълим мактабининг «Ниҳол» жамоаси 15 май кунини ўтказилган республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. «Ниҳол» жамоаси Андижон, Бўҳоро, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳомаалари билан беллашиб биринчи ўринни кўлга киритди.

Танловда иштирок этган жамоаларнинг гиёҳванд моддалар ва ОИТСнинг жамиятга етказадиган зарарини тасвирловчи театрлаштирилган сахна кўринишлари, ҳуқуқий маданиятга оид чиқишлари томоша-бинларда яхши таассурот қолдирди.

Баҳодир КОРАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

етмаганлар ташкил этувчи Тошкент вилоятида ҳам бу борада кенг камровли вазифалар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ёшларимизни «аср вабоси» — гиёҳвандлик таҳдидидан ҳимоя қилиш борасида вилоят прокуратураси, ИИБ, Халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда давомли тадбирлар йўлга қўйилган.

Республика Халқ таълими вазирлигининг «Гиёҳвандликнинг салбий

эътиборга лойиқ ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Умумтаълим мактабларида мутахассислар иштирокатида гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ва унга қарши кураш бўйича дарс соатлари, «Гиёҳвандликка қарши бирлашайлик» шиори остида спорт мусобақалари ўтказиш шулар жумласидандир. Айниқса, вилоят ёшларининг «Гиёҳвандлик ва ОИТС — умр завол» деб номланган мактаб ўқувчиларининг республика кўрик танла-

Туманда қимсан, Бозор Қулматович бўлган инсон бугун суднинг қора курсисида ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб ўтирибди. Нимага дейсизми? Туман ҳокимининг 2006 йил 27 ноябрдаги қарори билан у «Беш қаҳрамон» ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжалигига айлантириш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган. У кўп ўтмай комиссия котиби Норбой Алимардон билан гапни бир жойга қўйди-ю, ишни ширкат ҳўжалигидидаги йирик шохли чорва молларини сотишдан бошлашди.

Шу тариха 2007 йилнинг 22 январиди

дикланган Низом талабига кўра ҳўжаликлар ҳисобидидаги чорва моллари қарздорлик эвазига берилиши мумкин эмас. Бироқ ҳоким ўринбосари ўз билганидан қолмади.

Муовин қонунни билса-да уни менсимасдан ўз ҳамтовоғи Норбой Алимардон билан ишни давом эттираверди. Ҳўжаликнинг машиналарни сақлашга мўлжалланган 1-бостирмасини фуқаро Тангир Ҳақимовга 30 млн. сўмга, 3-бостирмани эса фуқаро Қурбон Раҳмонқуловга 31 млн. сўмга қимомоди савдоси орқали сотиб юборди.

Лекин сотилган биналарнинг пулини ун-

Инсон ҳаётда обрў-эътиборни миқдорлаб йиғида. Лекин биргина ноҳўя ҳаракат ёки қонунни менсимаслик миқдорлаб йиғилган обрў-эътиборнинг бир ботмон бўлиб тўқилишига сабабчи бўлади. Бунга мақолаимиз «қаҳрамони» — Қўмқўрғон туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Бозор Янгибоевнинг тақдири ҳам мисол бўла олади.

Ўринбосарнинг ўринсиз «иш»и

«Шўрчи келажақ» хусусий фирмасига 1 млн. 640 миң сўмга 5 бош, «Шўрчи агрофурд» агрофирмасига 1 млн. 890 миң сўмга 6 бош, «Бешқаҳрамон биолобаторияси»га 3 млн. 200 миң сўмга 8 бош мол сотилди. Афсуски, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Гапнинг индаллоси, улар 2007 йилнинг декабр ойига қадар ҳўжаликнинг кўлга илнадиган бор нарсаларини пуллашди. Сотувдан тушган 20 млн. 520 миң сўм нақд пулнинг 17 млн. 441 миң сўми ҳўжаликнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақи сифатида бериб юборилди. Аслида сотувдан тушган маблағ банкка топширилиши лозим эди.

Президентимизнинг «2007 йилда қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2005 йилнинг 18 декабрдаги 237-сонли буйруғи билан тас-

диришга келганда Бозор Қулматович ва унинг ҳамтовоғи Норбой Менглиевич сукут сақлаб ораваларди. Аслида эса биз оқорида тилга олинган Президентимизнинг қарори ҳамда Низом талабларига биноан аукционда ғолиб чиққан фуқаро сотиб олинган мол-мулкнинг қийматини 15 кун давомида тўлиқ тўлаши, ушбу мажбурият баҳарилмаган тақдирда қимомоди савдоси қайтадан ўтказилиши керак эди. Бироқ «ички қаҳрамон»нинг бепарволиги натижасида ҳўжалик ҳисобига 61 млн. сўм зарар етказилди.

Жинойят ишлари бўйича Қўмқўрғон туман суди бу ишни кўриб чиқиб ўз сўзини айтди. Сўзимиз бошида таъкидлаганимиздек, инсон эл назарига тушиб обрў топши осон иш эмас. Аммо уни йўқотиш эса бир лаҳзалик иш. Буни ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

Рўзибой ТИЛАНОВ,
Қўмқўрғон туман прокурори

Фалла ризқ-рўзимиз

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 майдаги «2008 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан прокурорлик назорати ўрнатилган. Айни вақтда назорат тадбирлари билан бирга ҳокимликлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги идоралари, фермер ҳўжаликларига ҳамда тегишли ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти мунтазам мувофиқлаштириб борилмоқда.

2008 йил 27-30 май кунлари жойларда виллоят ҳокимлиги, адлия бошқармалари бошлиқлари, қишлоқ ҳўжалиги идоралари, дон корхоналари раҳбарлари, комбайнчилар, фермерлар, туман прокурорлари ва ИИБ бошлиқлари иштирокида минтақавий кенгашлар ўтказилди.

Анжуманларда юртбошимизнинг юқоридида қарорини оғишмай бажариш, фалла ҳосилини йиғиштириб олишда отряд усулидан самарали фойдаланиш, дон ташишда нобудгарчиликка, ўғирликка йўл қўймайлик, ҳайдовчи, механикларнинг иш ва ҳордиғи учун далада шароитни яратиш, ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш ва фалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шундорлаш ишларини ташкил этиш борасида мутасадди идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Бахтиёр ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Республикаимиз суверенитетининг дастлабки йиллариданок собиқ тузум даврида шакланган иқтисодий қарамлик занжирларига барҳам берилди бошланди. Хусусан, қисқа муддат ичида мамлакатимиз ўзининг галла мустикаллигини мустақамлаб олди.

Аграр соҳадаги ислохотлар, галла мустикаллигини таъминлаш жараёнида республикаимизда дон махсулотларини қабул қилиш ва кайта ишлашга ихтисослашган инфраструктура шаклланди. Аммо, «гуруч қурмаксиз бўлмайди» деганларидек, мазкур соҳада ҳам коррупция ва иқтисодий жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Шу боис, давлат бойлиги ва халқ ризқига қўз тиккан бундай унсурларга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида «Galla-alteg» ОАЖда бир неча йиллар давомида иқтисодий жиноятлар содир этиб келган ана шундай жиноий уюшма фаолиятига нукта қўйилиб, айбдорлар қонуний жазоларини олишди.

«ИСКАНДАР ЮРИШИ»-НИНГ БОШЛАНИШИ

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, етарлича тажриба тўплаган Искандар Юнусов 1995 йилда «Galla-alteg» ОАЖга ишга кирганида, хали олдинда уни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қила олмаган бўлса керак.

«Galla-alteg» да тегиримон бошлиги вазифасида иш бошлаган Искандар Юнусов бир йил ўтар-ўтмас элеватор цехи бошлиги вазифасига кўтарилади. Бу вазифада бироз ишлаб паст-баландини ўрганиб олган, ўзига ишониб топширилган лавозим ортидан муъай пул топишга киришиб кетади. Шу тариқа Искандар Юнусовнинг «Galla-alteg» даги «юриши» бошланади.

«Якка отнинг донни қиқмас...» деганларидек, И. Юнусов бир ўзи шун-

тирди. Сабаби аниқ, раислик курсисидида салобат тўкиб ўтиргани билан унинг кўнглига қил симмас, агар жинояти фош бўлса, умуман бошқа курсида ўтириши мумкинлигининг фаросати етарди.

Кечагина халқ ризқини биргаликда «туя қилиб юрган» «устозининг катта амалдорга айланганидан ҳаволаниб юрган Бахтиёр Раҳматов раис ҳузурига зумда етиб келади.

Қуюқдан-қуюқ қутловларни камтарона қабул қилиб олган янги раис секингина мақсадга қўнади: «Биз сиздай тажрибали ходимларнинг қадрига етамиз. Мулоҳаза қилиб кўрдим, элеватор цехига бошлиқ бўлишга сиздан муносиброқ кадр йўқ экан. Шу вазифани сизга топширишга қарор қилдим».

Устозидан бундай марҳаматни кутганими, йўқми, бир нарсасидейишқийин,

ри асосида номигагина олиш-топириш далолатномаси тузиб чиқилди. Ҳайбат аъзоларидан ҳеч ким бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилган бугдой қолдиғи билан ҳақиқатда мавжуд бўлган бугдой қолдиғи ўртасидаги фарқни солиштириб кўрмайди.

«ТЕГИРИМОН ТЎХТАМСИН...»

Қўғирчоқ ҳайбат шарофати билан Искандар Юнусов ҳам бироз хотиржам тортиди. Аммо 4 минг тонна бугдой бир ҳовуч бугдой эмаски, «ёпиғ-



лотларини хатловдан ўтказиш ишлари бошланади.

Хар қандай фидойилиқнинг чеғараси бўлар экан шекилли, Бахтиёр Раҳматов текшириш бошлангани билан раис Искандар Юнусовнинг олдига арз қилиб қиради. Ахир элеватор цехидаги 4 минг тонналик камомад энди унинг бўйнига ўтиб қолган, бир гап бўлса қулогини ушлаб кетиши ҳеч гап эмас.

«Сиз кўп ташвишланманг, камомадни ёпишни мен бўйнига оламан», дея уни тинчлантириди Искандар Юнусов.

Искандар Юнусов «Ўздонмахсулот» АКнинг юқорида айтиб ўтилган бўйруғи ижросини таъминлаш мақсадида буйруқ чиқариб, корхонадаги донни хатловдан ўтказиш бўйича ҳай-

йўл тутишга қарор қилади. «Galla-alteg»нинг Тошкент дон қабул қилиш филиали раҳбари А.Тулаганов ва оմбормудир Ш.Улмасова тегишли ҳужжатни расмийлаштирмай, ноқонуний равишда корхона элеваторига 4 минг тоннага яқин бугдой жуъатишни, корхона транспорт цехи етакчи муҳандиси Э.Мирсамиковга эса мазкур мақсадлар учун сохта йўлварақлари асо-

сида юк машиналари билан ноқонуний равишда бугдой ташиб келтиришни топширади. Элеватор цехи бошлиги Бахтиёр Раҳматовга эса ноқонуний равишда ташиб келтирилган бугдойни ҳисоботларда қайд этмаган ҳолатда, сохта юк хатлари асосида қабул қилишни айтиб ўтиришга ҳолат ҳам йўқ эди.

Шундай қилиб, 2006 йилнинг апрелида корхонанинг Ҳамза туманидаги дон қабул қилиш филиалидан элеватор цехига ноқонуний равишда 3.591,140 кг бугдой ташиб келтирилади. Ҳеч бир ҳужжатда қайд этилмаган шунча бугдой элеватордан тегиримонга узатилаверади. Корхона лабораторияси ходимлари ҳам ушбу бугдойдан намуна олмастан сохта юк хатини имзолаб қўя қолишади.

Корхона элеваторига шунча миқдордаги бугдой ноқонуний равишда ташиб келинадию, ҳарбий қоровуллар сезмай қоладими, деган савол туғилиши табиий. Искандар Юнусов ҳарбий қоровуллар бўлими бошлиги Ш.Юнусов, унинг ўринбосарлари Т.Мирзаходжаев, Д.Маҳкамов ва смена бошлиги У.Шамсидиновларнинг ҳам өзгини ёпишнинг чорасини топган эди.

Диққат қилган бўлсангиз, жиноятлар занжирининг бир жойида узилиш бўлмоқда. Яъни, дон қабул қилиш филиали оմборидан ноқонуний келтирилган бугдойнинг ўрни қандай тўлдирилади? Искандар Юнусов бошчилигидаги жиноий гуруҳ учун бунинг чорасини топиш ҳеч гап эмас эди. Улар корхона элеваторига филиал оմборидан 2006 йилнинг 1 майдан 24 майга қадар бугдой келтирилгани ҳақидаги сохта юк хатлари ва йўлварақларини расмийлаштириб, бу маълумотларни ҳарбий қоровуллар томонидан юритиладиган китобларга қайд этиб қўйишади. Шу тариқа оմборхонадаги камомад яна элеваторга «қўнади». Бу сафар ҳам сохта маълумотлар асосида тузилган тозалов далолатномаси Давлат дон инспекциясига топшириб юборилади.

ХОТИМА

2007 йилга келиб ҳам Искандар Юнусов бошчилигидаги жиноий гуруҳ ўтган йиллардаги сценарий бўйича «ғойиб бўлган 4 минг тонна»ни яширишга муваффақ бўлишади. Бирок, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, ҳар қандай жиноят ҳам вақти келиб фош бўлмай қолмайди. Жиноий режаларини қанчалик пухта ишлаб чиққан бўлишмасин, «Galla-alteg» ОАЖ атрофида ин қурган жиноятчилик муқаррар жазодан қутула олишмайди.

Тошкент шаҳар прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан олиб борилган тергов давомида халқ ризқига қўз тиккан Искандар Юнусов бошчилигида жиноятчиликнинг кирдиқларини фош этилиб, 35 нафар шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланди. Жиноят ишининг 15 нафар шахсга нисбатан қисмини Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари асосида тугатилади. Қолган 20 нафар жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноят иши Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилди. Айбдорлар томонидан етказилган зарарининг 437 млн. сўми нақд пул сифатида тергов жараёнида ундирилди.

Суд ҳукми билан жиноятчиларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жазосини олишди.

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурининг
биринчи ўринбосари

ХАЛҚ РИЗҚИГА КЎЗ ТИЖКАНЛАР

дай катта ташкилотнинг элеватор цехидаги моддий ресурсларни ўзлаштириши қийин кечини яхши тушунар эди. Шу сабабдан ўзи муаллифлик қилган жиноий режасини амалга оширишда шерикликка ярайдиган ходим қидиради. Топади ҳам. Бу одам — мазкур цехда оддий ишчиликдан технология лавозимига чача йўлини босиб ўтган, ишининг кўзини билладиган Бахтиёр Раҳматов эди.

Оддий иш қиларининг бирида Искандар Юнусов технология Бахтиёр Раҳматовни хонасига чақириб, ҳамкорликни тақдир қилганда у икки наъиб ўтирмади. Бу соҳадан бироз хабари бор кишиларга маълумки, элеватор цехида дон махсулотларини қабул қилиш, тозалаб, ун тайёрлаш учун тегиримонга узатиш каби ишлар амалга оширилади. Яъни, цех бошлигининг вазифаси анчагина масъулият, виждон ва ҳалолликни талаб этади. Аммо масъулиятни унутган Искандар Юнусов элеваторга келиб тушган бугдойни виждонга қўшиб яширинча пулай бошлади. У 2004 йилда ҳамтового Бахтиёр Раҳматов билан тил бириктирган ҳолда ўша пайтда умумий суммаси 515.007.110 сўмлик 3.987.915 кг бугдойни талон-торож қилиб, ўзлаштириб юборди.

Тез орада пулдор одамга айланган Искандар Юнусов ўша — элеватор цехида катта ўтирик содир этилган 2004 йилнинг декабрига келиб «Galla-alteg» ОАЖ раиси лавозимига тайинланади. Турган гапки, ҳали унинг қинғир ишларидан қўпчилиқнинг хабари йўқ эди.

Бир думалаб акционерлик жамиятининг раисига айланган Искандар Юнусов ўтган ишларга қўл силтаб кетолмас эди. У энди қандай бўлмасин элеватор цехидаги жуда катта миқдордаги камомадни, шу аснода содир этган жиноятини яшириши керак эди.

МУНОСИБ КАДР

«Galla-alteg» ОАЖ раиси курсисини эгаллаган кунининг эртасигаёқ Искандар Юнусов қадрдон ҳамтового Бахтиёр Раҳматовни ҳузурига чақир-

аммо Бахтиёр Раҳматов нима деярини билмай қолди. Сўнг «Сиз шунга маълум қўрган экансиз, мен нимаям дердим. Лекин...» Бир томондан «ёғли» лавозим дарагини эшитиб бахтиёрликдан боши осмонга етган бўлса, иккинчи томондан элеватор цехидаги салкам 4 минг тонналик камомаднинг юки унинг кўнглига гўлгула солиб турган эди.

Гумаштаси кўнглидан нималар кечаётганини яхши тушуниб турган Искандар Юнусов «Сиз цехни қабул қилиб олаверинг, камомадни ёпишни эса менга қўйиб беринг» дея уни тинчлантирган бўлди.

Хуллас, шу кўнлик раис имзолаган буйруқ билан Бахтиёр Раҳматов элеватор цехи бошлиғига айланади.

ҚЎГИРЧОҚ ҲАЙБАТ

Тартиб қондага кўра, муайян корхонада моддий жавобгар шахс алмашганда ҳайбат тузилиб моддийтовар бойлиқларини топшириш ва қабул қилиш жараёни кечади. «Galla-alteg» ОАЖ элеватор цехига янги бошлиқ тайинлангани муносабати билан ҳам худди шундай бўлади. Раис Искандар Юнусов буйруқ чиқариб, корхона ходимларидан иборат ҳайбат тузади ва элеватор цехидаги моддий бойлиқларни топшириш-қабул қилиш вазифасини юклайди.

Ҳайбат аъзолари: корхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиги Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловалар бу вазифани «ас-тойдил» бажариб, хатлов ўтказишади ва бир овоздан «элеватор цехида оқланмайдиган бугдой камомадни қилмади» деган ҳулоса беришади.

Савол туғилиши табиий: наҳотки цехдаги оз эмас, кўп эмас, салкам 4 минг тонна камомадни ҳайбат аъзоларидан ҳеч ким пайкаммаган бўлса? Ёки буни аниқлаш шунчалик мушкулдир?

Гап шундаки, «еган оғиз уялар» қабилида иш тутган ҳайбат аъзолари бу вазифани Искандар Юнусов тайинлагандай бажариб, унга саждактларини намоиш этишган. Яъни, ҳайбат томонидан бухгалтерия ҳужжатла-

лик қозон ёпиқлигича қолаверса». Бунча камомадни юқоридан келадиган текширувчилардан қандай сир тутиш мумкин? Қолаверса, тегиримон тўхтаб қолмаслиги керак...

Раис Искандар Юнусов яна Бахтиёр Раҳматов ва корхона бош муҳандиси Сунатилла Ходжаевни чақиртиради.

«Иложини қиламиз, ҳўжайин. Эски бугдой бўлмаса, янгиликдан. Ассойиси, тегиримон тўхтаб қолмасин», дейди Бахтиёр Раҳматов фидойилик билан.

Шундай қилиб, Бахтиёр Раҳматов янги қабул қилинган бугдойни ҳам Искандар Юнусов цех бошлиғи бўлган даврдан қолган эски ҳисобдаги бугдойга аралаштириб тегиримонга узатверади. Тегиримонга юборилган бугдойлар тарозидан ўлчаниб, ҳисоблагичдаги кўрсаткичларни ўлчов ведомостларига киритиб қўйверади. Ҳайбат аъзолари эса ана шу ведомостларга кўзларини чирт юмиб имзо қўйиб беваришади. Қарабончи, Искандар Юнусов жавобгарлигидаги бугдой камомадини ўзи қабул қилиб олган бугдой ҳисобидан «ёпиб» келган Бахтиёр Раҳматов жавобгарлигидан бугдойдан шунча миқдорда камомад пайдо бўлади. Аммо цех бошлигининг «уддабурниқини» кўрин-ки, у ана шу камомадни 2007 йилнинг июнига қадар ҳисоботларда акс эттирмай, яшириб келишининг урдасидан чиқа олган. Ҳўш, бунга у қандай эришган?


«КЕМАГА ТУШГАННИНГ ЖОНИ БИР»

2005 йилнинг 24 январига «Ўздонмахсулот» АКнинг буйруғи чиқарилиб, корхонадаги дон ва дон махсу-

лотлар: корхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиги Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловалардан иборат таркибда тузилади. Корхона элеваторида хатлов ўтказилгани ҳали кўп бўлмагани боис, ҳайбат аъзолари ўша хатлов якунлари бўйича тозалов далолатномасини расмийлаштиришади. Шу тариқа сохта маълумотлар билан тўлдирилган ведомостлар асосида тузилган тозалов далолатномаси раис Искандар Юнусов томонидан имзоланиб, давлат дон инспекциясига тақдим қилинади.

Ҳаш-паш дегунча орадан бир йил ўтиб кетади. 2006 йилнинг 10 февралда «Ўздонмахсулот» АКнинг буйруғи чиқарилиб, яна корхонадан дон ва дон махсулотларини хатловдан ўтказиш ишлари бошланади. Искандар Юнусов бу сафар ҳам ўтган йилги найрангини ишга солиб, хатлов ўтказиш бўйича ҳайбат тузади. Бу сафар ҳайбатга корхона бош муҳандиси С.Ходжаев, бўлим бошлиги Р.Рустамбеков, бош ҳисобчи Д.Завьяловалардан ташқари ўз муовини А.Риҳсиев, ҳисобчи И.Сайтовга, корхонанинг дон қабул қилиш филиали бошлиғи А.Тулаганов, бўлим бошлиғи Л.Ларқиналари ҳам жалб этади.

Ҳайбат аъзоларини ҳузурига чақирган Искандар Юнусов вазиятни тушунтирар экан, «буёғи энди ўзларингга ҳавола, кемага тушганингни жони бир» дейди нималаргадир ишорат қилиб. Турган гапки, уларнинг ҳаммаси ҳам «ғойиб бўлган 4 минг тонна» ҳақида хабардор эдилар. Ходимлари билан тил бириктирган Искандар Юнусов бу сафар бироз бошқа



(Давоми. Бошланғиши 1-бетда).

Давлатнинг истиқболи, миллатнинг келажаги бугун ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ҳамда маънан комиллигига боғлиқ. Бола тарбияси учун ҳамма масъул. Эртасини ўйлаган одам, аввало, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги қарорига асосан Республика Бош прокуратураси ва етмаганлар ишлари бўйича республика комиссияси раиси этиб тайинлангач, бу соҳа ҳам прокуратура органларининг устувор йўналишига айланди. Ҳўш, вилоятда вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси қай даражада?

Саҳифамизда Бухоро вилояти прокуратураси

фаатларини ҳимоя қилиш, ўта оғир ва мавҳум ҳолда содир этилган жиноятларнинг ўз вақтида фош этилиши ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда махсус тезкор гуруҳлар тузилган. Улар томонидан олиб борилган тадбирлар натижа-сида вилоятда бир қанча оғир ва ўта оғир жиноятлар фош этилди.

Мазлумки, ҳар қандай мамлакатда раҳбар ҳодимнинг масъулиятсизлиги қонунбузилишларга, топширилган мансаб ва билдирилган ишончдан ўз манфаати йўлида фойдаланиши коррупцияга йўл очади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-лари поймол бўлишига, давлатчи-лик асосларининг емирилишига олиб келади. Юртбошимиз таъкидлаган-ларидек, «...Ислохотларнинг моҳия-тини аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммоларини, эҳтиёж-ларини чуқур англаб, катта-ю кичик-

риб, корхоналардан сунъий равишда қим-матлаштирилган нархларда товар моддий бойликларни харид қилганлар. Акционер-лик жамиятига эски, яроқсиз ва ишлаб чи-қаришда ишлатил-майдиغان товарлар сотиб олинган. Хусу-сий корхоналар томо-нидан жамиятга кўрсатилган транс-порт хизмати харажати сунъий ра-вишда ошириб кўрсатилган. Шу каби ва бошқа бир қатор суистеъмол-ликларга йўл қўйган жами 17 нафар шахсга нисбатан Жиноят кодекси-нинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва бошқа моддалари билан айблов эълон қилиниб, аниқланган 415 млн. сўмлик моддий зарар тўлиқ унди-рилди.

Одил судловнинг ҳуқуқий ҳуж-жати — қарор ва ахирлар нафа-қат қонуний бўлиши, балки ўз муд-датига тўлиқ ижро этилиши муҳим



Бухородаги Афшона тиббиёт коллежи

рақамидан «Дўстона сифат қурилиш сервис» хусусий фирмасига 7 млн. 583 миң сўм ва «Ҳимоя плюс» адво-катлик фирмасига 3 млн. 251 миң сўм ундириб берилди.

Бугун прокуратура собиқ «совет» тузуми давридагидек «жазолочи механизм» эмас, балки фуқаролар-ни ҳимоя қилувчи органдир. Демок-ратик-ҳуқуқий давлат қуришнинг энг муҳим тамойилларидан бири проку-ратура органларининг халққа яқин-лашуви, халқ билан ҳамжиҳат, ҳам-олият бўлишидир. Шу нуқтаи назар-дан халқ, фуқаро прокуратура орган-

Ўзбекистон Республикаси Ад-ляти вазирлиги, Олий суди, Олий ҳўхалик суди, Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида «Жами-ятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мада-ниятни юксалтиришга, қонунийлик-ни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Меморандумнинг имзоланиши амалга ошириладиган илоҳотлар ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фа-олият кўламини янада кенгайтирди. Ҳуқуқ тарғиботи, қонунларни аҳоли-

БОШ МАҚСАД — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иқтисодини намо-ён этиши учун бугун юртимизда барча имкониятлар эшиги очилди. Келажақ ворисларига эътибор давлат сиёса-ти даражасига кўтарилганига бар-чамиз гувоҳимиз. Зеро, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши за-мирида ҳам миллат тақдири, юрт саодати ишониб топширилган ав-лоднинг ҳар жиҳатдан мустақкам, Ўзбекистонни дунёга олиб чиқишга қодир бўлиб улғайишни таъмин-лаш мақсади мужассам.

Ўтган даврда вояга етмаганлар-нинг ҳуқуқий ҳимоясини таъмин-лашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 156 та текшириш ўтказил-ди. Прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонунбузилиш ҳолат-лари бартараф этилди. Вилоят про-куратураси ташаббуси билан 428 нафар вояга етмаганлар ишга, 613 нафари ўқишга жойлаштирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг қонуний ман-

нинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин».

Халқ таълими тизимининг фаоли-ят кўрсатаётган ходимлар давр та-лабини бошқалардан кўра чуқурроқ англашлари лозим. Зеро, юрт ке-лажаги, миллат тақдирини дахлдор эртанинг эгалари шу сулоладан сабоқ олади, ўрганади. Афсуски, ана шундай залворли масъулиятни тизимда фаолият кўрсатаётган ай-рим ходимлар тамоман унутгани ачинарли. Олот туман ХТБ мудирининг ўринбосари Дониёр Имомов мактабнинг синфлар сонини қис-қартирмаслик эвазига 100 миң сўми пора тарикасида олган пайт-да қўлга олинган. Д.Имомов жино-ий жавобгарликка тортилди.

Яна бир мисол, «Ўзбекингилса-ноат» ДАКга қарашли «Бухоротекс» акционерлик жамияти мансабдор шахслари бир қатор хусусий корхо-налар билан жиноий тил бирикти-

аҳамият касб этади. Агар суд қарор-лари лозим даражада ижро этил-маса, одил судлов ақлари ўз аҳами-ятини йўқотиши мумкин.

2007 йил 17 декабрда вилоят ҳўжа-лик судининг қарздор «Сарагул» сав-до ишлаб чиқариш фирмасидан ун-дириувчилар «Дўстона сифат қурилиш сервис» хусусий фирмаси фойдаси-га 27 млн. 310,5 миң сўм ва «Ҳимоя плюс» адвокатлик фирмаси фойда-сига 11 млн. 701,5 миң сўм ундириш ҳақида суд қарорлари чиқарилган. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш департа-ментининг вилоят ҳудудий бошқар-маси ижроси томонидан ижро иши юриштириш кўзатиш тўғрисида қарор-лар қабул қўзғатилган ва нусхаси «Са-рагул» СИЧФ раҳбарига юборилган. Фирманинг банкдан мавжуд мах-сус ва иккиламчи ҳисоб рақамлари-га суд ижросини томонидан банд солинган бўлишига қарамай, унди-рув пайсалга солиб келинган. Вило-ят прокуратураси Аришлуви билан қарздор «Сарагул» СИЧФнинг ҳисоб

ларига эмас, балки прокуратура хо-ридилари халқнинг дарди, муаммо-ларини эшитиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, муаммоларини ҳуқуқий йўллар билан ҳал этиш мақсадида маҳалла ва қишлоқларда қабуллар ташкил этишмоқда.

Хусусан, фуқароларга — чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига қўлай шарт-шароит яратиш учун вилоят прокуратураси томонидан фуқаро-лар ва юридик шахсларни меҳнат жамоаларида, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида қабул қилиш юзасидан алоҳида дастур ва жадваллар ишлаб чиқилди.

4 ой мобайнида прокуратура органларида 1807 нафар фуқаро қабулда бўлган. Шундан 1111 киши-ни шахсан прокурор ва унинг ўрин-босарлари қабул қилган. Бевосита меҳнат жамоаларида эса 606 на-фар фуқаролар қабул қилинган.

Вилоят прокуратураси органла-рига фуқаролардан 1463 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 582 таси ҳал қилинган.

та тушунириш, прокуратура органла-ри фаолиятига ошкоралик бериш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳўжўбузарликларга қарши кураш-да жамоатчилик фикрини шаклланти-риш, фуқароларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш ва ҳуқуқий мада-ниятини юксалтириш борасида маъ-лум ишларни амалга ошириб, қонун-чилик тарғиботининг мақсади ҳамда кенг қўламда ўтказилиши, унинг си-фати ва самардорлигини оширишга эришиб келмоқдалар.

Тинчликнинг барқарорлиги, юрт ободлиги, халқ турмуши фаровон-лиги қонун устуворлигига боғлиқ. Прокуратура органлари фаолияти-да қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жаҳият ва давлат манфаатлари ҳимояси бош мақсад бўлиб қола-веради. Зотан, Амир Темури айтга-нидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади.»

Жамолiddин НИЗОМОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
ўринбосари



Вобкент туманида истиқомат қилувчи Гулнара бир неча ойдирки ўғли Сарварнинг ташвиши хусусида бош қотирарди. Касб-хунар колле-жининг иқтисодий ёўналишини битирган ўғли ўзига мас уш тополмай юрибди. Оилавий маслаҳатдан сўнг шундай қарорга келишди: Сарвар ёзда олий ўқув юртига ҳўжжат топшириб, билимини синовдан ўтказа-ди. Аммо унчага бирор фойдали меҳнат билан банд бўлиши, ўз юкини ўзи тортиши даркор.

МУДДАТИДАН

У Россия Федерациясига ишга жўнади. Унаси эса тикувчилик қиларди. Шу боис кунларнинг бирида унинг уйига қўшниси Сайёра сингиси Розия билан қўйлак буюрт-ма беришга чиқишганида гап айланиб келиб Сарварнинг ўқишига тақалди.

— Кеча ҳўжайиним шаҳарда бир ўқитув-чи аёл билан танишиб қолибди, — деди кўшни аёл. — «Университетда дарс бера-ман, агар ўқишга кириш ниятида юрган хиянлардан бўлса, олиб келаверинг, ёрдам бераман», дебди. Дадаси билан бир гапла-шиб кўрайми? Зора, сизга ёрдами тегиб қолса.

Ўтган йилнинг апрель ойи охирларида бўлиб ўтган бу суҳбатдан сўнг, келишилга-

нидек Розиянинг турмуш ўртоғи чевар опа-нини уйига ўзини Сайёра Носирова деб таништирган аёлни бошлаб келди. Меҳ-моннавозлиқдан сўнг аёллар муддаога кўчишди:

— Ўлгингизни ўқишга қўйишни жуда яхши ўйлабсиз, — деди меҳмон. — Бухоро Давлат университетининг иқтисодий факультети-га шартнома асосида қўшимча ўринлар ажра-тилади. Ниятингиз холис бўлса, Сарваржон шу факультет талабасига айланади-да.

— Айтганингиз келсин, бу ёнга энди ўзингиз камарбаста бўласиз-да, — илтифот кўрсатди меҳмон ҳам.

Августда ўтадиган тест имтиҳонларига ҳа-ли вақт борлиги сабабли «университет

Банк ишончли ҳамкор

Мамакатнинг макрониктисодий тараққиётида банклар муҳим ўрин эгаллайди. Молия бозоридаги энг фаол жараён банклар зиммасига тушар экан, барча соҳаларда амалга ошириладиган ишловларни ҳам банклар фаолиятисиз тасаввур этиш кийин, — дейди Марказий банкнинг Бухоро вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Насриддин БУРОНОВ.

— Мустақиллик йилларида банк-молия соҳасидаги ишловлар тизимини янги босқичга кўтарди. Банкларнинг фаолияти эркинлаштирилиб, кўлами кенгайди. Бугун тадбиркор фермерга, пахтакору чорвадорга, кўйинки, аҳолининг барча қатламга банк мададкор, ишончли ҳамкор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни ра-

батлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори талаблари ижросини тўла таъминлаш бўйича ўтган йилда ишбилан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси йўли билан 551 млн., банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3 млрд. 417,6 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатида 706 млн. сўм миқдорда шу тоифа кредитлар берилган.

Давлатимиз раҳбарининг ўсиб келаётган ёш авлодга, хусусан, ёш

оилаларга алоҳида эътибор қаратиши замирида инсонийликнинг улғувор кўринишлари ярқ этиб кўрингандек бўлади. Ҳаётга энди қадам қўйган ёшлар уй-жой қуриш, квартира сотиб олиши ёки барқарор даромад манбаига эга бўлиши уларни мустақил ҳаёт кечиршига ўргатади. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ана шундай мақсадни кўзлайди.

Банк 2008 йилнинг 1-чорагида 3 млрд. 33 млн. сўм миқдорда ипотека, истеъмол, микрокредитлар ажратиб юзлаб оилаларга қувонч бағишлади.



ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Мўътабар ЖАББОРОВА, Фиждун туманидаги «Камолот» фермер хўжалиғи раҳбари, «Шўҳрат» медали соҳибаси

Ана шу мақсадда «Ёшлар йили» дастури асосида ўтказилаётган тадбирлар хусусан вояга етмаганларнинг беш вақтларида ўзлари қизиқган фойдали машғулотлар билан банд этилиши ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Бобуржон ДЕҲҚОНОВ, Фарғона шаҳар прокурори

ТўЛОВ БЕРИЛАДИМИ?

Мен ўн беш йил давомида бир қорхонада слесарь бўлиб ишладим. Лекин кейинги бир йил ичида соғлиғим жиддий ёмонлашгани учун ишни бир маромда давом эттиролмай қолдим. Шунинг учун шу йилнинг март ойида иш берувчининг ташаббуси билан мен билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бир танишимнинг айтишича, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан мuddатидан олдин бекор қилинган ҳолатларда менга неустойка тўлаши керак экан. Аммо менга ҳеч қандай неустойка тўланмади. Қонун бўйича мен бундай тўловни олишга ҳақиманми?

Ж.ДАДАБОВЕВ,
Тошкент шаҳри

Меҳнат шартномаси мuddатидан олдин бекор қилинганда неустойканинг тўлаши бундай мажбуриятнинг меҳнат шартномасида назарда тутилган ёки тутилмаганлигига боғлиқдир. Агар сиз билан тузилган меҳнат шартномасида бундай мажбурият назарда тутилган бўлса, неустойканинг тўлаб берилиши талаб қилишга ҳақлисиз.

ЕРНИ КИМ БЕРАДИ?

Мен ер ажратишни сўраб, фуқаролар йиғинига мурожаат этган эдим. Лекин улар ер бериш учун ер участкалари ажратилмади деб жавоб беришди. Энди мен ер ажратиш масаласида қайси органга мурожаат қилишим керак? Банкдан кредит олиш учун банкка мурожаат этдим. Бироқ банкнинг кредит бўлими раҳбарлари ресурс йўқ, деб аниқ бир жавоб айтмапти. Мен бу борада қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Б.АБДУКАРИМОВ,
Бойвут тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида ер участкаси олиш учун ариза туман (шаҳар) ҳокимлигига берилди.

Аризага ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича турар жойларнинг кадастр иши нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади.

Ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилик қиладиган, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган ко-

миссия (кейинги ўринларда «комиссия» деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади. Комиссия таркибига «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, табиати муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш органлари, санитария-эпидемиология хизмати, фуқаролар йиғинлари вакиллари ва бошқа шахслар киритилади. Бироқ, мазкур қарор талаби бўйича бундай ер участкалари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан 2008 йил 1 январгача бўлган даврда берилиши, 2008 йил 1 январдан бошлаб эса бундай ер участкалари кимосиди асосида фуқароларга қонунда белгиланган тартибда сотилиши кўзда тутилган.

Навбатдаги саволингизда агар ипотека кредитини назарда тутаятган

бўлсангиз, бунинг учун банк муассасасига ипотека кредити олиш учун буюртманомана тақдим этганингизда, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низом талаблари бўйича банкнинг ипотека кредити олиш учун буюртманомаларни қабул қилиш бўйича масъул ходими ипотека кредитининг асосий йўналишлари бўйича изоҳ бериши лозим. Бундан ташқари, у миқознинг барча саволларига жавоб беради ҳамда унга ипотека кредити бериш юзасидан буюртманомани расмийлаштириш учун талаб этиладиган барча ҳужжатлар рўйхатини тақдим этади.

Банкнинг кредит комиссияси кредит олишга буюртманомани белгиланган тартибда кўриб чиққан, буюртманомани қондириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ипотека кредити олишга буюртманомани кўриб чиқиш мuddати кредит олишга буюртманомана барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 30 иш кунидан ошмаслиги керак.

СТАЖГА КИРАДИМИ?

Фарзандим ҳозир тўрт ёшда. Бундан икки йил аввал касалликка чалинганлиги натижасида 2-гурух ногиронлиги белгиланганди. Шу пайтдан буён мунтазам равишда қараб туришга мўтож. Шу фарзандимга қараб ўтараён даврларим меҳнат стажига кирадимми?

Л.ТОШЕВА,
Бухоро вилояти

Бу давр меҳнат стажига кириши учун Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига кўра ушбу ҳолатда ҳужжатлар бўлиши даркор. Жумладан, I гуруҳ ногиронлиги ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани, шунингдек, 80 ёшга тўлган кекса кишини парвариш қилиш вақти куйидагилар асосида аниқланади:

— парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

— ногиронликда бўлганликни (I гуруҳ ногиронлар ва ногирон болалар учун), ёшни (кексалар ва ногирон болалар

учун) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий аҳолини текшириш ижтимоий таъминот бўлими томонидан маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой ташкилотлари) фуқаролар йиғинидан олинган маълумотлар, ногиронларнинг ўзлари ва уларнинг кўни-қўшилари билан ўтказилган сўхбат асосида баҳариланади.

Ногиронликни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан ўтганликни тасдиқловчи далолатномадан кўчирма, тиббий ҳулоса, пенсия гувоҳномаси, нафақа олувчининг гувоҳномаси, ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси ва бошқалар қабул қилиниши мумкин.

БУЗИЛАДИГАН УЙ

Кейинги пайтларда кўнчилик фуқароларнинг уйларига кўшимча равишда куриб олган уйларини бузиб ташлаш ҳолатлари жуда кўп кузатишмоқда. Бунинг сабаби сифатида ҳокимият вакиллари уйнинг ўзбошимчилик билан қурилганлигини кўрсатишмоқда. Айтишчи, аслида қандай уйлар ўзбошимчилик билан қурилган деб ҳисобланади? Бундай уйларнинг тақдирини ҳал қилиш тартиби қонун бўйича қандай белгиланган?

Б.ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳри

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турар-жой қуриш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатномани олмасдан ёхуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари жиддий равишда бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчилик билан қурилган деб ҳисобланади.

Ўзбошимчилик билан қурилгани аниқланган тақдирда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчилик билан қуриш ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади.

Далолатнома тузилиши билан бир вақтда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчилик билан қуриладиган қурилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилди. Қўрсатманинг нусхаси ўзбошимчилик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Ҳуқуқи бузилган шахсининг ёхуд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчилик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни қурган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобидан бузиб ташланади.

ПУЛИ БЎЛМАСА-ЧИ?

Яқин бир ўртоғим эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганди. Суд унинг қилмиши ва шахсини шобатга олиб, жарима жазосини белгиланган эди. Лекин ўртоғим пули йўқлиги учун жаримани тўлагани йўқ. Айтишчи, агар бундай ҳол давом этверса суд ўртоғимга бошқа жазо кўйлаши мумкинми?

С.ШОКИРОВ,
Бектемир тумани

Жиноят кодексининг 44-моддаси талабига мувофиқ, агар жазо тарихида жарима тўлашга ҳукм қилинган шахс жаримани белгиланган мuddатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган мuddат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш мuddати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридидаги жаримани тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган мuddатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридидаги жаримани тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган мuddатга тайинланади.

ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ЭТИЛСА ҲАМ...

Яқинда кечки пайт тўйдан қайтиб келаётганимда мени ЎХХХ ходими тўхтади, ҳайдовчилик гувоҳномани олиб кўйди. Унинг айтишича, бундай қондабузарлик учун автомашина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилишим мумкин экан. Айтишчи, зарурат бўлиб қолса, бундай пайтда мен автомашина ҳайдаб юрсам бўладими? Бундай вазиятларда қонун бўйича нима қилинади?

Ж.АБДУЛЛАЕВ, Ангрэн шаҳри

Агар сиз содир этган ҳуқуқбузарлик амалдаги қонунларга мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўлса, бу иш юзасидан қарор қабул қилинганга қадар ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. Бу ҳолат баённомага ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонида ёзиб қўйилиб, талон сизга қайтариб берилиши керак.

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида»ги йўриқнома

талабига кўра, агар ушбу ҳуқуқбузарлик юзасидан маъмурий иш кўриб чиқилган давр мобайнида яна транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этсангиз, ҳайдовчилик гувоҳномаси талони ҳам олиб қўйилиб, вақтинчалик рухсатнома берилди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси олинган кундан бошлаб унинг талонидан, талон олинган кундан бошлаб вақтинчалик рухсатномадан 30 кун давомидида фойдаланиш мумкин.

НИМА УЧУН УЧ КУН?

Мен яқинда нотариал тасдиқланган битимга асосланган ҳолда қарздордан пул маблағини ундириб бериш ҳақида судга буйруқ чиқариб беришларини сўраб мурожаат этган эдим. Судья аризонани кўриб чиқиб, камчилигини уч кун ичида тўғрилаб келинг деб қайтариб берди. Нима учун уч кун деб сўрасам, судья тушунтиришга вақтим йўқ деди. Шунини тушунтириб берсангиз.

З.ОРТИҚОВ, Тошкент вилояти

Фуқаролик-процессуал кодексининг 238^б-моддаси талаби бўйича, агар ариза ушбу Кодекс 238^б-моддасининг талабларига жавоб бермаса ёки ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризонани қабул қилишга ва ўз ажримини билан ундирувчида камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат

белгиланган ҳақи эканлиги қайд этилган. Шу боис судья ана шу қонун нормасига асосланган.

Агар сиз судьянинг ушбу қўрсатмаларига мувофиқ, белгиланган мuddатда камчиликларни бартараф этсангиз, ариза судга дастлаб тақдим этилган кун берилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда, судья ФПКнинг 238^б-моддасига мувофиқ аризонани қабул қилиниши рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

(Давоми. Бошланиши ўтган сойда).

— Келишимми? — деб сўради ундан Ихтиёр.

— Келишиди, — деди Бахтиёр укасига ва Ўткирбек билан сўрашди. — Хирмонда гайноли қуритаётган одамлар бор эди, ҳеч нарса қилиб бўлмади. «Пул ҳозир келади» деб Илҳомни ушлаб турдим. Ҳозир Қўқонга ифторга кетишди. Бирор соатда қайтиб келишади. Сизлар тайёр бўлиб туринглар, Илҳом ёнимга кириб ўтириши билан имо қилган захотим унга ташланасизлар.

Ихтиёр билан Ўткирбек шийпоннинг зим-зиё омборхонасига киришди. Ихтиёр қўлидаги чилвирни бир-икки марта тортиб қўриб:

— Ярайди, — деб қўйди ўзинча.

...Бахтиёрнинг кўнглида қора қуюн ўйнади. Ёвуз истак билан кўрқув исканжасида қолган эди. Унинг учун энди орта йўл йўқ. Уй пулини қистаётган, сўнгги мухлатни берган Илҳомнинг ҳаётига нуқта қўйиши керак. Бўлмаса Илҳомжон уни бир бадога гирифтор қилиши мумкин. Илҳомжондан бутунлай қутулса ҳамма иши яхши бўлиб кетадигандай... Шу бугун тунда, дала шийпонидо ҳаммаси ҳал бўлади. Кундузи Илҳомжоннинг қўл телефонига кўнгирик қилиб, 80 минг АҚШ долларини олиб кетишини айтган. Бунга ҳам ки-фояланмасдан ваҳима ва васваса ичида СМС ҳам йўллаган эди. Унга ишонган Илҳомжон шериги Виталий билан келди. Шийпондаги одамлар кетгунча уни, «ҳозир дадам пулни олиб келиб қолади, бирга ифторлик қиламиз» деб алдаб турди...

Виталийнинг кўнгли нотинч эди. Унинг тунд қиёфаси Илҳомжонга ҳам таъсир қилди. Ҳаёлига турди-туман ўйлар кела бошлади. Бахтиёрнинг фермер хўжалигига қарашли дала шийпонига кириб келишгач, хотини Наргизахонга телефон қилиб, қаердалигини айтиб қўйди.

— Кўп ўтирма, илтимос, пул тайёр бўлса олгунчи чиқ. Пул йўқ бўлса ҳам кутиб ўтирма, шу ердан тезроқ кетайлик, — дея ўтинди Виталий машинадан тушиб, тун зулмати қўйнида қаққайиб турган шийпон тарафга бораётган Илҳомжонга.

Ичкаридагилар хирмон ичига кириб келган «Нексия» машинаси ва ундан тушган Илҳомжонни кўриб туршарди.

— Тайёр туринглар, — деди Бахтиёр укаси ва Ўткирбекка. Овозидан қалтироқ гутаётганлиги билиниб турарди.

— Пул тайёрми? — деб сўради Илҳомжон кўш шам ёруғи аранг ёритиб турган хонада тошдек қотиб, кўзлари ялтираб ўтирган Бахтиёрдан. — Бўлақол тезроқ!

— Олдин ўтирин! — дея олди Бахтиёр аранг. — Ҳозир пул келиб қолади.

— Яна алдаясанми?!

Кўшни хонадаги гап-сўзлар оҳанги баланглашаётган пайтда Ихтиёр кириб борди.

— Ака, нима гап, жанжаллашаёсизларми? — деб сўради Бахтиёрдан ҳеч нарсадан хабари йўқдек.

— Сен ука, ишимизга аралашма, — деди Илҳомжон унга. — Аканг йигитчилик қилмаёпти...

«ОЛТИН МҲЙНА» ШИЙПОНИДАГИ ҚАТЛ

Бахтиёр укасига боши билан, «бошлайверинглар», деган маънода имо қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Шуни кутиб турган Ихтиёр жон-жаҳди билан Илҳомжоннинг орқасидан ташланиб, маҳкам бўғиб олди. Илҳомжон унинг ёвуз чангалидан ҳарчанд уринмасин, қутулиб чиқа олмади. Унинг исканжасида типирчилай-типирчилай, тинчиб қолди. Ихтиёр қўлини бўшатганида боши шилқ этиб ёнига тушди. Тепасида бир неча сония ичида рўй берган ёвузликдан қарахт бўлиб турган Ўткирбекка:

— Чўнтагимдаги ипни олиб оёқларини боғла, — деди.

Ўткирбек қўллари қалтираганча чилвирни олиб, қилт этмай ётган Илҳомжоннинг тиззаларидан боғлади.

— Ўлдириб қўйдингиз-ку! — деди кўрққанидан у Ихтиёрга.

— Нима бўпти?! — деди бемайлхотир Ихтиёр. — Қани, оёғидан кўтар, анави бурчакка обориб ташлаймиз...

Бу ёқда машина ичида ўтирган Виталий Илҳомжоннинг тун қўйнидаги шийпон ичига кириб кетганича чиқмай, ҳаяллаб қолганидан хавотирлана бошлаган эди... Қоронғулик ичидан машина томонга келаётган Бахтиёр кўринди.

— Илҳомжон сени чақиряпти, — деди у ўзини хотиржам тутишга уриниб.

— Нега? — деб сўради машинадан тушгиси келмай Виталий.

— Гапи бор экан.

У биров зўрлаб судрагандай шийпон ичига кириб борди. Шамлар миттиллаб турган хонада кўзлари ёниб, қўллари мушт ҳолда Ихтиёр турарди. Оёқлари тағида эса чўзилганича бир одам ётар эди. Унинг уст-бошларидан Илҳомжон эканлигини дарров билди. Уни бир бало қилишганини дарров англади. Виталий анча довурак эди. Ўзига ташланган Ихтиёрга қаршилик кўрсата бошлади...

Ўткирбек ҳам унга ташланди. Икки забардаст ва ёвуз ният-

ли йигитларга бас келиш осон эмас эди. Шеригини муқаррар ўлдиришганини англаб етган ва жонини омон сақлаб қолишдан бошқа истаги қолмаган Виталий чеканиб, шийпонга қочиб чиқди. Бир амаллаб машинага чиқиб олса, қочиб кетишга ишонар эди... Ихтиёр атайин қўйилган тошни қўлига олди. Тун қўйнида олмосдек кўрк бериб турган «Нексия» машинаси томонга қочиб бораётган Виталийнинг бошини мўлжаллаб тошни улоқтирди. Орқа миёсига теккан тошнинг қаттиқ зарбидан Виталий ерга кулади.

Учовлашиб унинг устидан босишди. Ихраб ётган Виталий ҳушидан кетди.

— Оёқларини ушлаб туринглар! — деб буорди Ихтиёр акаси ва Ўткирбекка. — Ҳали тинчигани йўқ.

Ихтиёр чўнтагидаги шоша-пиша чилвир олиб, Виталийнинг елкасига ўтирган ҳолда маҳкам бўғди...

Мурдаларни шийпон омборхонасига судраб киришди. Ихтиёр ичкари хонадаги ёниқ шамларни олиб чиқди.

— Мен энди нима қиламан? — деб кўрқувдан дағ-дағ қалтираётган Ўткирбек йиғлаб юборди. — Барибир одам ўлдириганимизни топишди, мени нега олиб келдингиз, Ихтиёр ака?! Қўрасиз, қамалиб кетамиз. Яқинда уйланмоқчи эдим. Дадам шу ишимни билса ўлдиради!..

— Ваҳима қилма, — жерки 5 ташлади уни Ихтиёр, — бор кетавер! Сен ҳеч нарсани кўрган йўқ, аралашганинг йўқ, ҳеч кимга айтмаймиз...

Инсонийлик қиёфасини бут-

кул йўқотган, содир этган ёвузликдан унчалик ҳам таҳликага тушмаган Ихтиёр мурдаларни тунашга тушди. Олдин Илҳомжонни қўлидаги тилла узук ва бўйнидаги тилла занжирни ечиб олди. Кейин чўнтақларига қўл суқди. «Сотка» ва ҳамён бор экан.

— Энди буларга телефоннинг ҳожати йўқ, — деди совуқ иршайиб Ихтиёр акасига. Бахтиёр ҳамёни шоша-пиша очиб кўрди, ичида 400 АҚШ доллари бор экан. 200 АҚШ долларини олиб кўзларини қадаб турган укасига узатди. Ихтиёр валютани чўнтагига солиб қўйди... Виталийнинг чўнтагидан «сотка» ва машина калити чиқди, холос.

«Нексия» машинаси ичидан уй ҳужжатларини олган Бахтиёр жасадларни эски адёл ва тўнга ўраётган укасига:

— Тезроқ буларни кўмиб,

уйига келиб дам олади-ган, ҳар соатда оила-сига кўнгирик қилиб турадиган Илҳомжоннинг ва у билан бирга бўлган Виталийнинг охири борган жойларидан қайтиб келмаганликлари, телефон алоқаси бутунлай узилиб қолганлиги яқинларини хавотирга солган, улар бу хусусда Фарғона шаҳар прокуратурасига мурожаат этишган эди...

Орадан икки кун ўтди. Илҳомжон Абдуллаев ва Виталий Адисовнинг изини топишга қаттиқ киришилган. Уларнинг охири борган жойлари аниқ, қайтанлари ноаниқ эди. Дала шийпони ҳудуди синчиклаб ўрганилди. Бахтиёр, «келишган,

уининг 80 минг АҚШ доллар пулини берганим, кетишган, қаёққа кетишганини билмайман» деган гапни такрорларди, холос. Синчиклик билан олиб борилган текшириш ўз самарасини бера бошлади. Шийпон ички хонаси (Илҳомжон ўлдирилган хона — муаллифлар изоҳи) поли ва деворида билинар-билимас қон доғлари ва ташқаридан топилган «Парламент» сигарета қолдиги (Илҳомжон фақат шундай ситирет чекарди-муаллифлар изоҳи) суд-тиббий экспертизасидан ўтказилди. Қон доғлари таркиби Илҳомжонни билан бир хил бўлиб чиқди...

Асосли далил ва гувоҳлар кўргазмасидан кейин Бахтиёр, Ихтиёр Маматқулов ва Ўткирбек Уматовлар жиноий қилмишларини тан олишиб, ўлдирилган йигитлар жасадлари кўмилган жойни кўрсатиб беришди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан нафс йўлида оғир жиноят содир этган ака-ука ва уларнинг шериги устидан одил ҳукм ўқилди. Ака-ука Бахтиёр, Ихтиёр Маматқуловларга умрбоқ, Ўткирбек Уматовга 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланди.

Халқимизда, «Ҳар неки бошинга тушса ўзиндан кўр», деган гап бор. Юқорида келтирилган фожиа сабабчилари фақат ўзларига оғир қилишмади, оиласидагиларни ҳам афсус, надоматга қўйиб кетишди...

Масъуджон МҲМИНЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Холиқназар ЖҲРАБОВ,
журналист



Жаримани «Boeing» тўлайди

Суд қарорига кўра, Американинг «Dow Chemical Co.» компанияси ҳамда ҳозирда фаолияти тўхтаган «Rokwell International Corp» корпорацияси атраф-муҳитни ifлослан-тирайтганликлари учун жами 926 миллион АҚШ доллари миқдорига жаримага тортидилар. Маълумки, «Rokwell International Corp» корпорацияси активлари 1996 йилда «Boeing» компанияси томонидан сотиб олинган. «AP» ахборот агентлигининг хабар беришича, жаримага тортилган компаниялар АҚШ атом энергияси бўйича комиссиясининг пудратчилари бўлиб, Колорадо штатидаги Денвер шаҳри қинида жойлашган ядро қурлои ишлаб чиқарувчи заводда иш олиб боришган. 1952 йилдан бери ишлаб келаётган завод 1989 йилга

келиб техник носозликлар сабаб ёпилган.

Завод ёпилишидан сал аввал, унинг ён-атрофида яшовчи 13 миңг аҳоли судга даъво билан мурожаат этган. Аризада ёзилишича, завод худудидан ташқарига чиқариладиган заҳарли радиоактив чиқиндилар ушбу худуддаги аҳолининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатган, шунингдек, бу худуддаги ернинг нархи кескин пасайиб кетган. 15 йил давом этган суд жараёни юзасидан 2006 йилнинг февралда суд ўз қарорини чиқарган. Бирок, жарима миқдори фақатгина ҳозирга келиб эълон қилинди. «Dow Chemical Co.» компаниясига 653 миллион, «Rokwell International Corp» корпорациясининг ҳаракатлари учун юридик жи-

ҳатдан жавобгар деб топилган «Boeing» компаниясига эса 508 миллион АҚШ доллари миқдорига жарима солинган. Шундай бўлса-да, суд жабранувчиларга тўланадиган пул миқдорини чегаралаб берди. Ушбу қиймат 725 миллион доллардан ошмайди. Ундан ташқари ҳар икки компания 111 ва 89 миллион АҚШ доллари миқдорига жарима зарари тўлашлари зарур. Бирок, жаримага тортилган компаниялар суд қароридан норози бўлиб, юқори турувчи инстанцияга шикоят ёзмоқчи. «Dow Chemical Co.» компанияси вакилининг таъкидлашча, улар пудратчи сифатида қатнашишган ҳолос ва АҚШ энергетика вазирлиги томонидан моддий жавобгарликдан ҳимоя қилинишган.

Венесуэла Президенти Уго Чавес мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, уларни махсус хизмат вакиллари билан ҳамкорликка чақирди. Таъкидлаш жоизки, мазкур мурожаат талаб сифатида изоҳ этилиши ҳам мумкин. Мисол учун, қонунга биноан контрразведка ходимларига ёрдам бе-



Махсус хизмат ходимларига ёрдам беринг

ришдан бош тортган венесуэлалик тўрт йилгача қамқоқ жазосига ҳукм қилинади. Шунингдек, агарда миллий хавфсизлик манфаатларига алоқадор масала бўлса, қонун махсус хизмат ходимларига мамлакат фуқаролари орқасидан жосуслик фаолиятини олиб боришга имкон беради. Масалан, суд рухсатисиз хоҳлаган жойга эшитиш мосламаларини ўрнатиши мумкин.

Бундан ташқари, махсус хизмат вакиллари билан судья ва прокурорлар ҳам ҳамкорлик қилишлари шарт. Мазкур қонун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотлар томонидан норозилик билан қўлиб олинди. Уларнинг айтишича, бунинг ёрдамида мухолифатни қўрқитиш ва бостириш, одил судловга босим ўтказиш мумкин, деб хабар қилади «BBC» ахборот агентлиги.

Буюкбританиянинг «The Sun» газетаси махфий видеотасмани ошкор этди. Унда май ойида Қизил денгизда сув ости тошларига урилган Буюкбританиянинг «HMS Super» номили сув ости атом кемаси қўмондонини экипаж аъзоларини хавфсизлик тизимида йўл қўйилган носозликлар учун қўпол равишда тартибга чиқариётгани акс эттирилган. Қўмондоннинг гапига қараганда, соқчилар-

нинг айтишича, видеотасмада ошкор этилган воқеа 2008 йилнинг январидан, кема Шотландиядаги «Фаслэйн» ҳарбий-денгиз базасида турганида руй берган. Эслатиш жоизки, «HMS Super» номили сув ости атом кемаси жорий йилнинг 26 майида Қизил денгизда сув ости тошларига урилиб, денгиз сатҳига чиқишга мажбур бўлган. Қоманданинг 112 нафар аъзоларидан ҳеч қай-

Машинагизга эҳтиёт бўлинг!

Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Москвада яна бешта машинага ёки юборилди. Машиналарнинг барчаси шаҳарнинг турли қисмларига қўйилган эди. Иккита «Газель» русумли машина Москванинг Жанубий ва Шимолий худудларида ёқилган, Шимолий-шарқий округда эса «Жигули», «Ауди» ва «Хундай»лар ёки юборилган. Шундай қилиб, сўнгги кунларда Москвада ёниб кетган автомобиллар сони 30 тага етди. Ҳуқуқ-тартиб органлари ходимлари томонидан ҳозирда кенг қамровли суриштирув ишлари олиб боришмоқда. Лекин, ҳалигача тезкор-тергов ҳаракатлари натижа бермапти, деб хабар қилади «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Уруш «қолдиғи»

Амстердамнинг Схипхол аэропортидаги учиш-қўниш йўлакларининг бири ёпилди. Гап шундаки, аэропорт яқинида Иккинчи жаҳон уруши давридаги бомба топилган. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, 226-килограммлик бомбани мазкур худудда йўл қураётган ишчилар беш метр чуқурликдан топиб оlishган. Қуни кеча бомба маҳаллий муниципалитет вакиллари иштирокида қазиб олинди, хавфсиз жойга қўчирилди. Аэропортда эса рейслар жадвали ўзгаргани йўқ.



Шу кунлар давомида қўниш ва учиш учун Схипхолнинг қолган тўрт йўлағидан фойдаланиб турилди. Шунингдек, бомбани бартараф этиш даврида қич атрафда яшовчи аҳоли хавфсиз жойларга қўчирилган.

Ичиб ухлаб қолди

дан бири ўз پوستида пиво ичиб, DVDда фильм кўриб ўтирган ва ухлаб қолган.

Буюкбритания мудофаа вазирлиги мазкур видеотасмадаги ҳолат Қизил денгиздаги тўқнашувга ҳеч бир алоқаси йўқлигини таъкидламоқда. Вазирлик вакили-



сиси жабр кўрмаган, атом реакторига ҳам зарар етмаган. Лекин кема сув остида қолишига тўғри келган, чунки зарба натижада сув остида ҳаракатланиш имконини берадиган гидрлокацион тизим ишдан чиққан.

«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Мексиканинг Мичоакан штатида жойлашган Вилла Мадера шахри ҳокими наркомания қурбони бўлди. Оиласи билан

навбатдаги таътил сафаридан қайтаётган Марселло Ибарру шахарга киришдаги шосседан ёлланма қотил томонидан отиб ўлдирилган. Оила аъзоларига ҳеч қандай жаро-

жараёнида уюшган жиноий гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда 2008 йилнинг бошидан буён 1400 киши ҳалок бўлган. 2007 йилда наркосавдогарлар томонидан

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари — бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқibatларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи овирлаша ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушалай.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда, хусусан «Ринза» савло белгиси остидаги қалбаки дорилар бунинг ёрқин далилидир.

2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10 дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нухаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритиладиган қуқун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган:

- «Ринза» таблеткаси №10- серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.
- «Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807
- «Ринза СИП» эритиладиган қуқун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

ЭСИНГИЗДА ТУТИНГ!

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари қўтилан самарани бермайди ва соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушлиқлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисидан кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигинизни қадрлаймиз.

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

Наркомафия қурбони



ҳат етмаган. Маълумотларга қараганда, Ибарру бошқарган шахар Мексика ҳукуматининг наркосавдогарларга қарши олиб бораётган курашдаги стратегик аҳамиятга эга худуд бўлиб, ҳокимнинг қарашлари наркомафия манфаатларига зид келиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, Мексика орқали ўтайдиган наркотрафикларни назорат қилиш

2500 киши ўлдирилган. Улар ичида рақобатчи жиноий гуруҳ аъзолари ҳам, полиция ходимлари, ҳукумат вакиллари ҳам бор. 2008 йилнинг май ойига келиб полициячилар ҳукуматга мурожаат этиб, уларга пулемётлар берилишини талаб қилишган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг айтишича, улар пистолет ва милтиқларда ўта замонавий қуролларга эга жиноятчилар билан кураша олмайдилар.

Гаровдагилар учун 1,1 млн. доллар

«Rueters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Голландиянинг «Амия Скан» кемаси экипажини гаровда ушлаб турган Сомали денгиз қароқчилари уларни озод қилиш эвазига 1,1 млн. АҚШ доллари миқдорига пул талаб қилишмоқда. «Reider Shipping» компанияси ҳозирги кунда улар учун 700 миңг АҚШ доллари тўлашга ваъда берган. Қароқчилар вакилининг айтишича, тўрт нафар россиялик ва бешта филиппинликдан иборат кема экипажи ўзини яхши ҳис қилаяпти. Кема Хинд океанининг Сомали қирғоқларида жойлашган Эйл баликчилик шаҳарчасида сақланмоқда. 2 июнь кунини БМТ хавфсизлик кенгаши денгиз қароқчилари билан курашиш учун ҳарбий ҳарбий кемаларга Сомали худудий сувларига киришга рўхсат берди. Шу ўринда Россия ташқи ишлар вазирлиги расмий мурожаат билан қичиб, юқоридаги ҳолат бўйича ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатларни бошламасликка чақирди. Уларнинг фикрича бу чоралар экипаж аъзоларининг ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

«BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, Зимбабве ҳукумати иқтисодий инқироз юзасига келган пайтда мамлакат худудидан аҳолига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб келаётган «Care International» халқаро ташкилоти фаолиятини таъкидлаб қўйди. Ўз қарорини изохлар экан, ҳукумат вакиллари мазкур ташкилот мамлакатнинг ички ишларига аралашаё-



Ташкилотлар ёпилаяпти

ттанлигини билдирди. Уларнинг айтишича, «Care International» ходимлари президент сайловларининг иккинчи босқичи арафасида амалдаги президент Роберт Мугабега рақобатчи демократик мухолифат етакчиси Морган Тсовангири номзоди учун аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришяпти.

Зимбабве ҳукуматининг ижтимоий таъминот бўйича вазири Николаос Гоченинг таъкидлашча, яқин кунларда яна бир қатор нодавлат ташкилотларининг фаолияти тўхтатилиши мумкин. Унинг сўзларига қараганда, инсонпарварлик ташкилотлари Президент Роберт Мугабега бўлажак сайловларда қоралаш режасига жалб қилинган. Ўз навбатида «Care International» вакиллари ҳеч қачон сиёсий курашларда иштирок этмагандикларини маълум қилди. Улар Зимбабве ҳукуматига мурожаат этиб, эълон қилинган айбонинг аниқ деталларини ошкор этишни сўрадилар, лекин уларнинг мурожаати жавобсиз қолди. Маълумотларга қараганда, миллионга яқин зимбабвельлик, яъни мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми инсонпарварлик ёрдамига, хусусан озиқ-овқат махсулотларига жуда ҳам муҳтож. Ҳукуматнинг бир қатор инсонпарварлик ташкилотларига фаолиятини таъкидлаши 500 миңгача яқин аҳолини танг аҳволда қолдиради. Роберт Мугабенинг ўзи эса БМТнинг жаҳон озиқ-овқат саммитида иштирок этиш учун Римга ташриф буюрган.

ТҶИХАТ ҶРНИДА



Прокуратура фахрийси Ҳаким ота Статов бугун муборак 75 ёшни қарши олмакда. Ҳу мейхат фаолиятини 1959 йили Сурхондарё вилоят Термиз тумани прокуратурасининг терговчиси лавозимидан бошлаган Ҳаким ота кейинчалик Бойсун туманида терговчи, Жарқўрғон, Музаброт, Шеробод, Шўрчи ва Олтинсой туманларида прокурор, прокурор ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Кадр

Ҳаким ота 35 йилдан ортиқ умрини Сурхондарё вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилишга бағишлагани. Иш-чиноғли, талаб-чиноғли ва савимийлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Кўп йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Бугунги кунда оила аъзолари билан муборак ёшни қарши олаётган Ҳаким Статовни таваллуд айёми билан самимий кутлаб, у кишига сиҳат-саломатлик, узок умр, оилавий бахт, хонадонга хотиржамлик, файзу барака тилаб қоламиз.

Инсон қилган яхши амаллари билан эл орасида доимо ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Эл назаридан қолмай, ардоғда, оила аъзоларининг эъзозидан яшаш инсон учун буюк бахтдир.



Доимо эл назарида

34 йилдан ортиқ умрини мамлакатимиз қонунчилигини мустаҳкамлашга, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бағишлаган Нурали Эргашев ҳозирда 60 баҳорни қаршилайпти. У ўз фаолияти давомида фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиб, амалий таҷрибасини ёш ходимларни тарбиялашга сарфлаб келаяпти.

Нурали ака туман прокурорининг ёрдамчиси, Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори, Янгийўл ва Бўжа туманлари прокурори, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Фаолияти давомида ўзига топширилган вазифаларини сидқидилдан бажариб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Иш жараёнида изланувчанлик, адолатпарварлик ва ташаббускорлик кўрсатиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орасида ҳурмат қозонди.

У кишининг фидокорона меҳнати, касбига бўлган садоқати ва инсоний фазилатларини прокуратура ходимлари яхши билади ва қадрлайди.

Нурали аканинг узок йиллик меҳнати ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ва инсоний фазилатларини прокуратура ходимлари яхши билади ва қадрлайди.

Бугунги шодиёна кунда Нурали акани табарруқ ёши билан кутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, узок умр тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

«Ишбилармон» сўзига Ўзбек тилининг изохли лугатида (Москва: «Рус тили» нашриёти 1981) «ишни, ишнинг кўзини биладиган киши, уста» деб ижобий изоҳ берилган. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ҳам ишбилармонлар доираси мўҳим ўрин тутди. Аммо салбий маънодаги «ишбилармон»лар ҳам бор. Фақат ўз фойдасини кўзлаб, бошқаларнинг манфаатларини поймол қиладиган ишбилармонлар шундай кишилар сирасига қиради. Улар мамлакатни ривожлантирмайди, балки унинг тараққиёти йўлига тўғаноқ бўлади. Давлатни газнага келиб тушиши лозим бўлган турли солиқ ва тушумлардан марҳум этади. Келинг, гапни кўп қўзиб ўтирмай, индаллосини айтиб қўяйла. 1995 йили «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек тилидан немис тилига ўғирганин Насриддин Афанди латифаларини «Сичқоннинг кўлтигини қитқилган шахс» номи остида кичкина китобча ҳолида чоп этганиди. Очигини айтганда, бу китобчага анча меҳнатим сингган.

Шўролар даврида немис туристлари билан ишлаган пайтларимдаёқ уларнинг баъзиларини немис тилига таржима қилиб, «Насриддин Афанди ўзбекларнинг Ойленшпигели» деб уларга сўзлаб берардим. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошида тузилган «Таржима маркази»га ишга келганимда эса Афанди латифалари ҳамда Алишер Навоий ғазалларини немис тилига таржима қилиш вазифаси зиммамга юклатилди. Таржима қилишдан аввал, латифаларни саралаб чиқдик. Марказ раисининг ўринбосари Шариф Холмуродов Амир Темура шахсиятига, муллалар,

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

дин уламолари шахсиятига тегиб кетадиган латифаларни умуман тўпламдан чиқариб ташлади. Шундан сўнг таржима бошланди. Уларнинг бир қисми Москвада немис тилида чиқадиган «Нойес лебен» газетасида, бир қисми эса Германия газети ва журналларида чоп этилди. Шундан сўнг уларни тўплаб китобча ҳолига келтирдим ва нашриётга топширишдан аввал Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига элтиб, бир ўқиб қўриб фикр билдиришларини илтмос қилдим. Икки ойдан кейин улардан ижобий жавоб олдим. Маълум бўлишича, элчихона тўпламини Германиядаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтларидан бирига жўнатган, институт ходимлари тўпламга кирган латифалардан тўрттасини, «немисларга умуман тушунарсиз» деб олиб ташлаган, унтасига эса жузъий тузастишлар киритиб, сўнг ижобий жавоб йўллашган экан. Тўпламини Германиядан келган жавоб билан қўшиб, «Ўзбекистон» нашриётга топширдим. У икки йилга яқин нашриёт ходимлари галадониди ётди ва ниҳоят бахтли бир баҳонаи сабаб билан гўмбурлаб чиқиб кетди. Нашриёт менга ўшанда 18000 сўм, яъни ўша пайтдаги нарх-наволарига 100 доллардан сал кўпроқ қалам ҳақи тўлаган.

Домла ўтган гагларини нима мақсадда қовлаб ўтирибди, деб ажаблантирган бўлсангиз керак. Сабр қилинг, сабр таги сариқ олтин, деган экан машойхилар. Бундан ташқари, улар «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларида эҳтимол мени ҳам назарда тутган бўлсалар керак. Зеро, баҳор ва куз фаслларида, асосий ишимдан таятилда булган пайтларимда турли фирмаларда таржимонлик қиламан, яъни Германиядан келган туристларни олиб, Ўзбекистоннинг у ёғидан бу ёғигача кезиб чиқаман. Бир томондан тилимни чархлаб оламан, иккинчи томондан маълум ҳаётий ҳолатларни улар қандай тасвирлашгани сўраб-суриштираман. Зеро, чет тилининг қанчалар билимдонни бўлманг, барибир тил соҳибни тил соҳибни-да!

Шундай сафарлардан бирида мен таржима қилган китобчининг ксерокописи Бухоро шаҳрида (асосан Арқда, Ситорай Моҳи Хоссада, Лаби Ҳовуз ёнидаги Нодир девонбеги мадрасасида), Хивада эса Ота дарвозадан шундай қирилганда Қалта Минор ёнидаги қатор дўкон-

чаларда донаси 5 доллардан қўл-қўлга тегмай сотилаётганини кўриб роса хурсанд бўлганман. Ҳатто ўз гуруҳимга «бу китобни мен таржима қилганман» деб исму шарифини кўрсатиб мақтанганман ҳам. Аммо бу ерда жиноят содир этилаётгани, ўзимизнинг «ишбилармонлар» Ўзбекистон нашриётининг мулкани талон-тороқ қилаётганиликлари етти ух-лаб тушимга ҳам кирмаган. Мана икки йилча бўлиб қолди, ўша тўпламининг (ксерокописи эмас) италян ва француз тилларидаги нусхалари Бухорода хорижлик туристларга 10 евродан, ўзимизнинг одамларга 5000 сўмдан сотилмоқда. Яқинда Бухорода бўлганимда гуруҳим билан Тоқи Теллақурушонда шундай китоблар сотилаётган жойда бир зум тўхтадик. (Китоблар Арқда ҳам, Ситорай Моҳи Хоссада ҳам, Чор минорда ҳам, Нодир девонбеги мадрасасида ҳам сотилмоқда).



Ким таржима қилибди экан, деб уларни бироз варақладим. Ҳайратланарлиси шундаки, уларни ҳам мен таржима қилган эканман. Италия тилининг «И» ҳарфини ҳам, француз тилининг «Ф» ҳарфини ҳам билмасам уларни қандай таржима қилдим экан? Тўпламини италян ва француз тилида чиқарган «ишбилармон»лар ҳақиқатан ҳам ишнинг кўзини биладиган усталар экан. Ҳар иккала тўплам менин китобимдан фарқли ўлароқ рангли чиқаришган. Кўрган чет элликнинг нигоҳини жалб этадиган даражада гўзал, бунга гап йўқ. Аммо тўртинчи бети ёғ-ёғ хатолар билан компьютерда немис тилида терилган. Немис тилига хато сўзларни қўя турилик, ҳатто нашриётнинг номи бўлиши «Ўзбекистон» сўзи «Ўзбекистан» шаклида берилган.

Китобни варақлаб турган меҳмонларимдан бири «бу таржимоннинг қўлини кесиб керак, у ўғри» деди тўйқўздан, сўнгра менга ўғрилиб деди:

— Жаноб, гапим тўғрими, Курьоннинг немисча таржимасида ўзим ўқиганман, шариат бўйича ўғрининг қўли кесилиши керак-а?

— Ҳа, гапингиз тўғри, — дедим ичимдан эли кетиб, — дарҳақиқат Курьон каримнинг 5-сура 38-оятиди шундай сўзлар бор: «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Оллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар! Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» дейилган. Аммо 39-оятда «ким тавба қилиб ўзини тўзатса, албатта Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилар. Албатта, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир», дейилган деб бироз хаспўшладим ва тезроқ бу ердан кетиш, гапинг мавзусини ўзгартириш мақсадида меҳмонларимни халқ қолғу асбоблари сотилаётган дўкон томонга бошладим. Меҳмонларим ўша бетнинг ўзидан немис тилида «Тарж. Йўлдош Парда» деб қўлга хасса қилиб ёзиб қўйилганини кўрган бўлсалар-да, қайтиб бу ҳақда сўз очмадилар. Бешинчи бетдан бошлаб биттасида латифалар француз тилида, иккинчисиди италян

тилида берилган. Менинг тўпламимдан фарқли ўлароқ француз ва италян тилларидаги латифаларнинг ҳар бирига сарлавҳа қўйилган. Бу жуда яхши. Аммо таржимонлар бу латифаларни қайси манбалардан олиб таржима қилишгани номаълум. Агар менинг таржималаримдан, яъни немис тилидаги таржималардан олиб таржима қилишган бўлса, бунга ҳали чидаса бўлади. Зеро, мақоланинг бошида айтиб ўтганимдек менинг тўпламим дунё юзини кўришдан аввал тўрт-беш марта чигирикдан ўтган. Агар тўғри келган жойдан олиб, пала-партиш таржима қилиб, тўплам шаклида «уриб юборишган» бўлса урди Худо. Қизиғи шундаки, менинг тўпламимнинг 48-бетиди «Афанди латифалари, немис тилида» деб ёзилган бўлса, бу тўпламларнинг ҳар иккаласининг ҳам 48-бетиди «Афанди латифалари, италян тилида» деб ҳарф хато билан ёзилган. Шу боис, уларнинг қайси

бири италян тилида ва қайси бири француз тилида эканлигини аниқлаш тилини билмаган кишига жуда мушкул бўларкан. Мен таржимонларни плагиатда, яъни ўғирликда айбаш фикридан йироқман, зеро улар маълум ҳақ эвазига «ишбилармон»ларга латифаларни таржима қилиб беришган-у, уларнинг китоб ҳолида чоп этилишидан умуман беҳабар булган бўлишлари ҳам шундан. Энди ўзбек тилидаги асарларни чет тилларга таржима қилишга бел боғлаган дўсталарга, уқалар ва синглиларимга кўнглимдан кечган баъзи ўйларимни баён қилишдан аввал битта нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. «Сичқоннинг кўлтигини қитқилган шахс» номи остида ўзбек тилидан немис тилига таржима қилинган Насриддин Афанди латифалари тўпламининг мулкдори «Ўзбекистон» нашриётидир. Мен тўпламининг қайта нашр этилиши, бошқа тилларга таржима қилинишидан моддий манфаатдор эмасман, зеро тўпламнинг 4-бетининг энг тағдида доира ичидидаги С белгисини қаршисида «Usbekiston», 1995 деб ёзиб қўйилган. Ушбу мақолани ўқиган, «Ўзбекистон» нашриёти ходимлари уларнинг номидан китоб чиқариб, чет элликларга пуллаб мўмай фойда олаётган, нашриётнинг ҳам, давлатнинг ҳам «нонини туя қилаётган» ишбилармонларнинг фаолиятига чек қўйиш чорасини кўрадилар, деб ўйлайман. Кўнглимдан кечган ўйларга келсак, ҳар бир таржимон таржимасини ўз номидан эълон қилиши, яъни таржима учун масъулиятни зиммасига олиш керак. Таржима яхши бўлса мақташадди, ўртамаёна бўлса ўз мулоҳазаларини айтишадди, ёмон бўлса танқид қилишадди. Ҳар қандай ҳолда ҳам таржима таржимоннинг «дўппи кийганлари ҳажонга чиқариш» ишига қўшган баҳоли қудрат ҳиссаси бўлиб қолади. Таржима масалалари бўйича кўнглимдан кечган ўйларни кейинги мақолаларда давом эттирарман деган умидда:

Йўлдош ПАРДА, таржимон

<p>Huquq yuridik gazeta</p> <p>Та'сисчи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси</p>	<p>Bosh muharrir: Jahongir MAKUMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana QURTOVA, Tohir MALIK, Sherzod OQDRAQOV, Fozil MAMASHARPOV (mas'ul kotib)</p>	<p>Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.</p> <p>Telefon: 233-98-82, 233-10-53.</p> <p>E-mail: huquq97@mail.ru</p> <p>Faks: 233-64-85, 233-10-53.</p>	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.</p>	<p>Buyurtma — 555, 20 762 nusxada basildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.</p> <p>Navbatchi muharrir: G. HOJIBOYEVA Musahhah: A. MUSTAFOYEVA</p> <p>Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.</p>	<p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Sotuvda erkin narxda</p> <p>Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshiriddi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8</p>
--	--	--	---	--	---